

Qishloq hayoti

2009 йил

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 11 Sentyabr, Juma, 108 (7569) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



Авваллари Мирзачўл қовун-тарвузлари Россия, Қозоғистон, Қирғизистон мамлакатларига экпорт қилинган бўлса, эндиликда Эстония, Украина, ҳатто, Германия, узоқ Америка мамлакатларига ҳам етказиб берилаётир.



Элита пардалар, дўппилар, миллий кийимлар, либослар тикаётган корхонада иш унуми ошди, талаб кўпайди. Тадбиркор "Ташаббус-2009" кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичида "Энг яхши тадбиркор аёл" номинацияси голибига айланди.



1983 йил автомобиль ҳалокати туфайли соғлигим оғирлашиб қолди. Шунда танамга даво асал бўлди. Соғайсам албатта асаларичилик билан шуғулланаман, дея аҳд қилдим. Дастлабки йил тўрт қути, иккинчи йили 13 қути ари парваришладим.

Андижон шаҳрида Андижон савдо мажмуи фойдаланишга топширилди. Икки қаватли кўркам бинода 43 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган бўлиб, замонавий услубда жиҳозланди, юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилди. Савдо шохобчаларидаги маҳсулотлар дизайни, бежиримлиги билан диққатни тартади.



Импорт ўрнини босувчи товарлар қаторига кирувчи телевизорлар, DVD-плейерлар, компьютерлар, дазмоллар ва бошқа маҳсулотлар ҳам харидорларга манзур бўлмоқда.

СУРАТЛАРДА: янги бунёд этилган савдо мажмуи; озик-овқат дўкони сотувчиси Дилором Қосимова. **Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА)** олган суратлар

Андижон вилояти

Ўза дефолиацияси:

ИМКОНИАТДАН УНУМЛИ ФЙДАЛАНИЛМОҚДА

Амалдаги йилда об-ҳавонинг мураккаб келишига қарамай яратилган шароитдан унумли фойдаланган вилоят пахтакорлари мўл ҳосил тўплашга эришмоқда. Айниқса, минерал ўғитлар таъминотида узиллишларга йўл қўйилмаганига ўза ривожига муҳим омил бўлди.

Айни вақтда пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиб-териб олишни тезлатиш усуллари билан бўлган ўза баргини сунъий тўктириш тадбирлари кўрилмоқда. Вилоятимиз бўйича дефолиация ўтказиш белгиланган. 2386 та фермер хўжалиги билан шартнома қилинди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бу йил қайси далага ва қанча гектар ердаги ўзалар баргини сунъий тўктириш ҳақида ер эгасининг ўзи мурожаат қилмоқда. Уни ўтказиш мuddати эса туманлардаги тажрибали дехқонлар, агрономлар ҳамда мутахассислардан тузилган ишчи гуруҳлари тавсиялари асосида белгиланмоқда.

Ўз мuddатда таъмирлиниб, кўриқдан ўтказилган 254 та пуркагичнинг бари тўхтовсиз ишлатилмоқда. Жорий йилда 23 та "ОВХ" ва 12 та "УР-1" пуркагичларининг сотиб олинганлиги ишлар самарадорлигини янада оширапти. Қўнига 7 минг гектар атрофидagi майдонларда ишлов берилмоқда. Бу йил биз кўпчилик майдонларга дефолиантнинг "Супер хлоратмагний", "УЗДЕФ" турларини ишлатмоқдамиз. Маълумки, супер хлоратмагний дефолиантнинг юмшоқ таъсири остида ўза барглари қуриб қовжираб қолмасдан, ярим нам ҳолида тўқилади. Энг афзал томони ўза танасида қайта ўсиш қузатилмайди. Иккинчидан, ўзанинг юқори қисмидаги етилмаган

қўсақлар куймай, 8-10 кун давомида озуқа олиб туради ва улар ҳам пишиб етилади. Тола сифати бузилмаб, олий навга топшириладиган пахта микдорини ошиши ва гектарига 1,5-2 центнергача қўшимча ҳосил олиниши фермерларимизда баргини сунъий тўктиришга бўлган қизиқишини орттирмоқда. Бир мисол! Боғот туманидаги "Оллаберган-Матёқуб-Бозиргон" фермер хўжалиги раҳбари, "Шухрат" медали нишондори Шоназар ака Матёқубов ўтган йилларда унинг самарасини билганлиги сабабли бу йил унинг ихтиёридаги 96 гектар пахта майдонининг 80 гектарига дефолиация ўтказилди. Ўзанинг "Меҳнат" намини парваришлаган фермер ҳар йили шартномавий режадаги пахтанинг деярли барчасини юқори навга сотади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, дехқонларимиз пешона тери эвазига яратилган пахта инновацияларига қўнига қўлдорлардан саранжомлаш ва юқори навларга сотилишини таъминловчи омиллардан бири - ўза баргини сунъий тўктириш мавсумини сифатли қилиб ўз вақтида тўлалаш учун барча имкониятларни ишга солмоқдамиз.

Каландар РЎЗМЕТОВ,
Хоразм вилояти
"Қишлоқхўжаликимё" **ҲАЖ** бошқаруви раиси.

Қўннинг муҳим воқеалари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Тошкент давлат юридик институти ўқитувчи ва талабаларидан иборат тарғибот гуруҳи Самарқанд вилоятидаги таълим муассасаларида ёшлар иштирокида давра суҳбатлари ва учрашулар ўтказди.

Сирдарё вилоятининг Сардоба тумани Пахтаобод кўрғонига бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Жиззах политехника институтида "Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Қелажақ овози" республика кўрик-танлови вилоят босқичининг голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Термиз туманидаги Лимонзор қишлоғида туризм ва меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунаар коллежи фойдаланишга топширилди.

Тошкент ҳарбий округида сержантлар тайёрлаш мактаблари жамоалари ўртасида ёш олимпиада мусобақаси бошланди. Мазкур беллашууда курсантлар спортнинг бокс, стол теннис, биатлон, сузиш каби турлари бўйича куч синашмоқда.



ЗАМОНАВИЙ, КЎРКАМ, ҚУЛАЙ

уй-жойлар қишлоқ аҳолиси учун



Пойтахтимиздаги "Ўзқоспонамарказ"да Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазма мамлакатимиз Президенти томонидан қишлоқларимиз ҳаёт тарзини янада фаровонлаштириш борасидаги кўрсатмаларининг ҳаётга татбиқ этилиши борасидаги ишларнинг бир кўриниши бўлди.

Унда ташкилотчи компания ва ташкилотчилар тақдироти, республикамизнинг турли ҳудудларидан келган соҳа вакиллари учун семинарлар бўлиб ўтмоқда. Айни пайтгача бир қатор вилоятлар вакиллари тадбирда фаол иштирок этган бўлса, кўргазманинг кечаги қўнида Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидан келган соҳа вакиллари ўзларининг ишланмаларини кенг намойиш қилишди.

Жорий йилда ушбу вилоятларда ҳам ҳудуднинг табиий-иқлим шароити, анъаналарга асосланган меъморий лойиҳалар асосида аҳоли пунктлари барпо этилади. Маълумки, Сирдарё вилоятининг ерлари бошқа жойларга нисбатан зах, шўрланшига мойил. Бу эса уй-жой қуришда ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади.

Энг аввало, бинонинг пойдевори мустаҳкам бўлиши лозим, - дейди Боёвот тумани меъмори Абдураҳим Оқубтаев. - Уй-жойларни демографик хусусият, анъаналар ва иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш. Жумладан, пойдевор масаласида. Унда зах, шўрланши жараёни ҳисобга олинди, ишлатиладиган қурилиш ашёлари ўрганилди. Бунинг учун сақичлаш, пойдеворнинг баландлиги кабиларга жиддий эътибор қаратдик

— Лойиҳаларда уй-жойлар атрофини кўкаламзорлаштириш масаласига жиддий эътибор қаратилгани айни мuddа. Ўсимликлар ҳавонини тозалаш, ўзига хос микроклим ҳосил қилишда беқийёс аҳамият касб этади. Айни чоғда шамол таъсирини камайтириш, чанг-тўзонларни тўтиб қолиш хусусиятига эга. Бундан ташқари, аҳоли пунктига ўзгача чиroy бахш этади. Кўргазмада Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан намойиш этилаётган дархат ва буталар билан танишиб, бизнинг ҳудудда қайси ўсимликлардан фойдаланиш яхши самара бериши юзасидан маслаҳатлар олдим.

Ўза муҳбирлари Олим ТЎРАКУЛОВ,
Сайёра ШОЕВА ёзиб олди.

СЎЗ — КЎРГАЗМА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Раъно БОБОЕВА, тадбиркор, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани:

— Замонавий усулда қурилган шинам ва қулай 7 хилдаги уй эътиборини тортди. Айниқса, бу уйлarning жиҳозланиши менга маъқул бўлди. Мебеллар сифатли бўлиши билан бирга нархи ҳам арзон.

"Дойче кабель" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси тақдир қилаётган пол остига кабель ётқизиш, иситиш лойиҳаси қиш кунлари қулай ва ҳавфсиздир. Мослама автоматлаштирилган бўлиб, уни истаган температурага мослаш мумкин. Белгиланган ҳароратга етгач, автоматик равишда ўзи ўчади.

Яқинда ўғлимни уйлантирмоқчиман. Ёш оилаларга берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, банк кредити ҳисобига уй қуриш ниятидадим.

Ҳожиакбар ВАЛИЕВ, пойтахтимиздаги "Marka Invest" корхонаси раҳбари:

— Кўргазмада йиғма конструкцияли уйлари тақдир қилинапти. Бу янги технология асосида барпо этиладиган уй учун барча қурилиш материаллари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бундай иморатларнинг афзаллиги шундаки, қурилиш циклининг 95 фоизи заводнинг ўзида бўлади. Буортма тушгач, узоғи билан бир ойда битказилади.

Тўрт ва етти хонали мазкур уй-жой лойиҳаларини ишлаб чиқишда бир неча авлод вакиллари билан беамалол ҳаёт кечириши ҳисобга олинган. Шунингдек, уй ўз қиёфасига мос равишда ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли мебеллар, маиший техника, уй-рўзгор буюмлари билан жиҳозланади.

Ҳошим МАҲРОМОВ, Жиззах вилояти, Фаллаворол туманидаги "Абдуғани ота" фермер хўжалиги раҳбари:

— Тақдир қилинаётган уйлар лойиҳаси илҳам, ҳар томонлама қулай, маҳаллий шарт-шароитга мос бўлиш билан бирга, замонавий андозалар талабига жавоб бера олади.

Энг муҳими, «Қишлоқ қурилиш банк» намунавий лойиҳа асосида уй-жой қуриш учун узоқ мuddатли имтиёзли кредит бериши қишлоқ аҳоли учун қулай имкониятдир.

Маҳмуд МУҲЛИБОВЕВ, ўқитувчи, Сирдарё вилояти:

— Лойиҳаларда уй-жойлар атрофини кўкаламзорлаштириш масаласига жиддий эътибор қаратилгани айни мuddа. Ўсимликлар ҳавонини тозалаш, ўзига хос микроклим ҳосил қилишда беқийёс аҳамият касб этади. Айни чоғда шамол таъсирини камайтириш, чанг-тўзонларни тўтиб қолиш хусусиятига эга. Бундан ташқари, аҳоли пунктига ўзгача чиroy бахш этади. Кўргазмада Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан намойиш этилаётган дархат ва буталар билан танишиб, бизнинг ҳудудда қайси ўсимликлардан фойдаланиш яхши самара бериши юзасидан маслаҳатлар олдим.

Ўза муҳбирлари Олим ТЎРАКУЛОВ,
Сайёра ШОЕВА ёзиб олди.

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агроекономика комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги,
"Ереғодезакадастр", Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари,
"Ўздонмаҳсулот", "Ўзимёсанот", "Ўзагропрогурсурта", "Ўзвироекономика-холдинг",
"Ўзбекингилсанот", "Ўзқишлоқхўжалиқмашинлар" компаниялари,
"Ўзпахтасаноат", "Ег-мой ва озик-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжалиқлари, "Ўзагрошарвис", "Ўзғўштсаноат" уюшмалари, "Агробанк",
"Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси,
Агроекономика ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши,
"Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Ахборот

Навбахор туманидаги далалари Қалқонота дашти адирларига туташган "Мухаммад" фермер хўжалигида ҳар йили ғалла ва пахтадан кўнгиладигек ҳосил етиштирилмоқда. Боиси хўжалик раҳбари Тўлқин Муртозоев изланувчан, "қилини қирқ ёрадиган"лар сирасидан.

Фермер экспортни йўлга қўйди

Шу йил бошида Тўлқин ака адир четидagi ташландик ерни ўзлаштириб, пивэнинг энг ҳосилдор намини экти. Бу эрнинг ҳосилдор бўлишини ҳисобга олган фермер хоржилик ҳамкорлар билан кузгача пивэ етиштириб бериш бўйича шартнома тузишга ҳам улгурганди. Чиндан ҳам пивэ мўл бўлди, Дастлабки ҳосил туман бозорига чиқарилди. Яқинда "Мухаммад" фермер хўжалигининг қўшимча экин майдонига етилган пивэнинг 30 тоннаси қўшни Қозоғистон ва Россия давлатларига жўнатилди.

Баҳриддин САДРИДДИНОВ

Навбей вилояти

ОБУНА - 2010



АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

"Қишлоқ ҳаёти"

ва унинг иловаси "Ҳаёт"

газеталарига 2010 йил учун обуна бошланди. Обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул тўлови ёки пул ўтказиш йўли билан ҳамда пластик карточка орқали амалга оширилади.

БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

"Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт" биргаликда — 144
"Ҳаёт" — 145

Асаларичилик

ҚАНОТЛИ ЗАҲМАТКАШЛАР БИЛАН ЗАҲМАТ ЧЕКИБ

Шўрчи туманидаги "Йўлдош хожи БИБ" фермер хўжалигида етти хазинанинг бири - асаларичилик раванк топмоқда. Шу соҳага меҳр қўйган фермер Йўлдош ота Бердимуродов чорак асрдирки, асалари парвариши билан машғул.



мизни 400 оила қилдим. Ҳар йили тўрт нафар ёшларни бу ишга жалб этиб, мустақил равишда ҳаётга йўлланаман.

Биз Йўлдош отадан мамнунмиз, - дейди ёш асаларичи Хусан Тошқулов. - У киши асаларичиликни мирдан-сиригача ўргатиб, 50 та оила ари билан бизни ҳаётга йўлади.

Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўляпти. Тонна-тонна асал олиб, даромадимиз йил сайин ошиб борапти. Уй қурдик, тўйлар қилдик. Булар ҳаммаси хожи отанинг бағрикенглиги, фидойи меҳнатимиз натижасидир.

Биз бу каби дил сўзларини Умрзоқ Жумаев, Даврон Жумаевлардан ҳам эшитдик. Улар миннатдорчиликларини сўз билан ифодалашга интилишар.

Ҳожи отанинг саховат ва меҳрга тўла қалбига тасаннолар айтишди. Жорий йилда ушбу фермер хўжалигининг ҳосили янада баракали бўлди. Мавжуд 550 қути ордан ўн тоннадан ортиқ сифатли асал олинди.

Асаларичилик, унинг машаққатли меҳнати, кўпайтириш йўллари, шифобахшлиги ҳақида китоб ёзиш ниятим бор. Асал мазали, бироқ унинг меҳнати оғир - дейди отахон.

Ёшларимиз ана шу ноёб касбини эгаллашса, ҳеч ҳам кам бўлишмайди. Устозим Жумабой ака алоҳида таъкидлаганидек, "Касбнинг ёмони йўқ, лекин ёмон касб эгаси бўлиш мумкин".

Дарвоқе, ўз касбидан ҳақиқий бахт топган Йўлдош ота ана шундай фидойи инсонлардан. У яратган асаларичилик мактаби нафақат Шўрчида, балки Сурхон элида янги саҳифалар очшига ишонамиз.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Сурхондарё вилояти

СУРАТДА: Йўлдош ота Бердимуродов. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

ЎНҲАЁТГА ЮЗ ҲАЁТ БАФИШЛАЁТГАНЛАР

Инсон учун ҳаётда энг машаққатли, уудаланиши оғир бўлган вазифа бу - ота-онанинг дуоларини олишидир. Энг тез ижобат бўладиган дуо падари бузруквор ва волидан

лар дуолари. Дуо олдида олтиннинг ҳам қадри, қиймати оз. Ҳаётда бу ҳақиқатни англаб етганлар бор, етмаганлар бор.

"Турсунбой-Едгорбек" хусусий



муҳтараманинг фарзанди ҳақиқига қилган дуоси дейилади, улуг китобларда.

Бир умр мазасини тотиб юрадиган, инсонни бахтиёрликка мушарраф этадиган неъмат ҳам - ота-она-

корхонаси раҳбари Раҳимжон ака билан у раҳбарлик қилаётган корхона курувчилари бунёд этган, янги ўқув йилида болаларни бағрига олган. Унҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган 630 ўрин-

ли ўрта мактабда уч-рашдик. Мактаб пештоқда мустақил Ўзбекистонимиз байроғи хил-пираб турибди. Ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилган замонавий мактаб биносини айланар эканмиз, беихтиёр ҳаёлимдан шундай ширин туйғулар кечади: "Қани энди болаликка қайтиб қолсаму, шу



ри пишк гишлардан бунёд этилмоқда.

Корхона ҳудудда уч гектар боб экан. Урдэк, қурка, фоз ва товуқларга қўзимиз тушади. Уларнинг туҳумлари корхона ишчилари учун бепул бериладиган иссиқ овқат тайёрлашга ишлатилади. Тўрт йил олдин экилган икки минг туп терах ҳадемай қурилишбоп маҳсулотга айланади.

Бош ҳисобчи Ёқубжон Латифбоевнинг айтишича, йил охирига бориб қўриладиган соф фойда миқдори йиғирма беш миллион сўмдан ортиши кутилмоқда. Ўттиз икки нафар киши меҳнат қилаётган хусусий корхона ишчилари Муҳаммадмурод Насирдинов, Ўзғам Холмиров, Абдуқалил Қурбонларнинг номлари илғорлар сифатида тилга олинди.

Корхонадаги хайр-саховатли ишларнинг ўзи эса бир мақола бўлади.

Дилмурод КИРФИЗБОВЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

СУРАТДА: "Турсунбой-Едгорбек" хусусий корхонаси раҳбари Раҳимжон Ёгамбердиев ҳамда туман фермерлар уюшмаси раиси Бахтиёр Нишонов.

Муаллиф олган суратлар.

Наманган вилояти

"Тилла олма" ёхуд "қизил бақлажон"

Хонадонимизда кўп ишлатиладиган сабзавотлардан бири помидордир. Асли ватани Америка бўлган бу тропик ўсимлиги Америкага европалликлар қадими тегишдан анча илгарий ҳиндулар экиб ўстиришарди.



Америкалик биринчи истилочи бўлган испанлар ўз мамлакатига "Перу олмаси" - помидор олиб келишди. XVI асрнинг 50-йилларидан Жанубий Европа мамлакатлари - Испания, Португалия ва Италияда помидор етиштирила бошланди.

Маълумотларга қараганда, италиян олими П.Маттиоло 1554 йилда "тилла олма" (сарик рангли помидор) ва "овези олмаси" (қизил рангли помидор) номи билан помидорни илк бор тавсиф этган эди.

Адабиётларда ёзилишича, помидор Россияга сабзавотчилик билан шугулланган учун борган болгарлар, молдованлар ва греклар томонидан келтирилган. Бироқ Украина ва Кубанда помидор "қизил бақлажон" деб юритилганига асосланиб шунга айтиш мумкинки, помидор Россияга Туркиядан ўтган. Чунки "бақлажон" туркча сўздир. Помидор италиянча "помидоро", яъни "тилла олма" сўзидан ҳосил бўлган атамадир. Перу ҳиндулари уни "томат" деб аташган.

Ақбар АЛИЕВ тайёрлади.



СПОРТ

Тўртта "бронза" нақд, уларни "олтин"га айлантириш сари олға!

БОКС

Милан (Италия) шаҳрида бўлиб ўтаётган бокс бўйича жаҳон чемпионати энг қизгин палласига кириб бормоқда. Қуни кеча чемпионатнинг чорак финал босқичи учрашувлари бўлиб ўтди.

Жами 11 вазн тоифасида иштирок этаётган Ўзбекистон бокс терма жамоасидан чорак финалда 6 нафар боксчи рингга чиқди. Улардан 4 нафари ярим финал босқичи масаласини ижобий ҳал қилишга эришди.

Натижалар: БАҲОДИР СУЛТОНОВ (57 кг.) - Керем Гурген (Туркия) - 12:2; БОТИРЖОН МАҲМУДОВ (69 кг.) - Майкл Зевски (Канада) - 5:2; АББОС АТОЕВ (75 кг.) - Константин Буга (Германия) - 4:3; ЭЛШОД РАСУЛОВ (81 кг.) - Рене Краусе (Германия) - 8:2; Тўлашбой Дониёров (54 кг.) - Детелин Делаклиев (Болгария) - 1:3; Рамзон Аҳмедов (91 кг.) - Жон М'Умба (Франция) - 7:15

11 сентябрь куни бўлиб ўтаётган ярим финал учрашувларида юртдошларимиз куйидаги мамлакат боксчиларига қарши рингга чиқишди:

Баҳодир Султонов - Сергей Водопьянов (Россия); Ботир Маҳмудов - Жек Кулкей Кетч (Германия); Аббос Атоев - Вижендер (Ҳиндистон)

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Бу шоир йигитни матбуотда чоп этилган шеърлари орқали танирдим. Ватан, она, муҳаббат ва табиат гўзалликлари хусусидаги санимиёт тўла ижоди менда катта таассурот уйғотган. Одам одам билан учрашса, деганларидек бир тўйда учрошиб, сўхбатлашиб насиб этди. Тўй қилбўттон танишимизнинг уқиси билан пойтахтда бир уйда, қўшни бўлиб яшаркан. Хизмат қилаётган йигитдан илтимос қилдик:

Қалб ва кийфга ҳақиқда мулоҳазалар

«ОБРУЎЛИ» ОДАМ

— Ука, иложи бўлса, қўшхонамизга бошқа меҳмонларни киритманг. Шоир келган эканлар... Дилдан сўхбат қилиб, шеърларидан эшитмоқчимиз.

— Оқшан олинг, биз ёб олдик. Меҳмон лагандаги ошини олдиға тортиб, устидаги гўштини тўғради. Кейин эса ҳафсала билан ошам-ошам олиб, ўрадек озғига тика бошлади.

— Ука, ароқни сузинг зимат бўлсам. Ҳазми таом учун. — Биз ичмаймиз. Сузиб бер десангиз сузиб бераман, — дедим ноилоҳ.

Шоир йигит шеърни қайтадан ифодали, раван ва ёқимли оҳанда ўқий бошлади. Обруўли одамга тикилиб турдим. Назаримда, шоир ўқийётган шеър унга ёқмагандек туюлди. Қулоғига ногора чалаётгандек ижирганиб ўтирди. Унинг кўзи дастурхонга қадалган, ўй-хаёли ташқаридан келтирилмайдиган овқатда эди. Шеър тугади. Биз шоирни олқишладик.

— Энди оғайнилар, — чўрт кесди ҳалиги меҳмон, — шоирмисизлар, ёзувчимисизлар ҳали сўхбат давомида танишиб оламиз. Биз тўйга

турта бошлади, уч-тўрт пиёладан кейин тепса керак" деб турибмиз. — Энди ҳалиги айтган йигитингизга келсак, шундай тоифали одамлар ҳам бор.

Баш муҳаррир Чорн ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ

Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин КУДРАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Раҳимберди БҲРИЕВ, Ғулможон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидмажид САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илхом ХАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОВЕВ, Зийвуддин ОБИДОВ, Ҳақимжон УМАРҲУЖАЕВ.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Алият АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тўланбой КАРИМОВ, Шухрат ГАНИЕВ, Уктам БАРНОЕВ, Уткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманияз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам КОСИМОВ, Омонулло ЮНУСОВ, Шеразд ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибнат — 233-95-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04.